



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Тижорат банкларида янги банк хизматларини жорий этишни назарий асослари

Умаров Абдулқуддус Абдилхатович

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси мустақил изланувчиси

Ёзишмалар учун муаллиф электрон почтаси: umarovabdulkuddus07@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 21.07.2022

Қабул қилинган вақти: 01.08.2022

Калит сўзлар: тижорат банки, инновацион хизмат турлари, ахборот технологиялари, рақамли инновацион технологиялар, бизнес модель, сунъий интеллект, ақлли банк офиси.

Аннотация

Илмий мақолада тижорат банкларида янги инновацион рақамли технологияларни қўллаш, инновацион фаолиятни ташкил этишдаги назарий асослари билан боғлиқ ҳолатлари кўриб чиқилган. Бундан ташқари тижорат банклари томонидан аҳолига қулай бўлган тўлов хизматларини ишлаб чиқиш ва янада ривожлантириш.

Theoretical fundamentals of introduction of new banking services in commercial banks

Umarov Abdulquddus Abdilxatovich^b,

Banking and finance academy of the Republic of Uzbekistan, independent researcher

Corresponding author's e-mail address: umarovabdulkuddus07@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 26.07.2022

Accepted: 01.08.2022

Key words: commercial bank, introduction of new innovative services, information technology, digital innovation technology, business model, artificial intelligence.

Abstract

The scientific article examines the use of new innovative digital technologies in commercial banks and their theoretical basis in the organization of innovative activities. In addition, development and further development of payment services convenient for the population by commercial banks.

Кириш

Бугунги кундаги тижорат банкларини инновацион фаолиятнинг моҳиятини баҳолаш ҳамда транзакцияларнинг узлуксиз ва хавфсизлигини таъминловчи миллий чакана тўловлар тизимини яратиш ва ривожлантириш; бундан ташқари тижорат банклари томонидан аҳолига қулай бўлган тўлов хизматларини ишлаб чиқиш ва янада ривожлантириш; нақд пулсиз тўловлар тизимини амалга ошириш жараёнларида асосан инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни фойдаланиш,

ривожлантириш ҳамда илгари суриш; бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни, энг аввало транспорт, коммунал, савдо, умумий овқатланиш ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, соҳаларида қўлланишини тадбиқ этиш айниқса, халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш банкларнинг умумий инновацион ва рақобат стратегия нуктаи назаридан жуда муҳимдир. Чунки инновация - бу банкларнинг рақобатбардошлик даражасини сақлаб қолади ёки уни рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Лекин, бугунги кунда тижорат банклари ўзини рақамли технологиялар асосида рақамли экотизимни

яратиш инновацион ривожланиш стратегияси сифатида тўла-қонли шаклланиб бўлгани йўқ. Тижорат банки фаолиятига инновацион технологияларини қанчалик таъсир этиш моҳиятини очиб бериш энг муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартда «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори қабул қилинди ушбу қарорда юртимизда банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги инновацион маҳсулотларни турларини жорий этиш банкларнинг барқарорлиги, ликвидлилиги ва халқаро талаблар асосида фаолият юритиш механизмини таъминлайди.

Адабиётлар шарҳи

Банк инфратузилмасини янада ривожлантириш йўлида россиялик олимлар О.И. Лаврушин, Е.Ф. Жуков, В.Асаул В.А.Кошев, Н.Х.Жумаевларни олиб бораётган илмий изланишлар ишларида кузатишимиз мумкин. О.И.Лаврушинни [2021] ўзинг илмий ишларида банкларнинг инфратузилмасини таркиблашга алоҳида эътибор бериб ўтган. Энг асосий эътиборли томони шуки, тижорат банклари ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнларини янги инновацион технологиялардан фойдаланиб янги турдаги банк хизматларини мижозларга таклиф этиб бориши натижасида банкларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ортиб боришини таъкидлаб ўтган.

Е.Ф. Жуковнинг [2012] таъкидлашича, бугунги кунда ҳар бир тижорат банклари мустақил равишда ривожланиш йўллари излашлари керак рақамлаштиришнинг проактив стратегиясини қўллаган банклар юқори фойдалилик даражасига ва рақобатчиларга нисбатан сезиларли фарқлари ҳамда ўз устунлиги билан бошқа банклардан ажралиб туради. Рақамлаштириш бу анъанавий банклар томонидан курсатилаётган банк хизмат турларини янги инавацион технологиялар ёрдамида мижозларга қисқа дақиқалар ичида хизмат кўрсата олиш имконини яратиб бериш маълумотларни эркин ҳаракатланишини таъминлайдиган маълумотлар ва жараёнларни ўз ичига олувчи тизим эканлигини баён этган.

Россиялик олим А.А.Энговатовани [2017] фикрига кўра: Рақамли стратегиясини ишлаб чиқиш бу мурракаб жараёнлардан бири десак адашмаган буламиз. Бу тизим банкнинг бутун хизмат курсатиш занжирини алоҳида ва умуман қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бу рақамли хизмат курсатиш учун ҳужжат сифатида эмас балки бугунги замон ривожланиш жараёнида талофатсиз омон қолиш кафолати сифатида қабул қилиниши керак. Рақамли трансформация жараёнини амалга оширишда қўллаб ҳорижий банклар дастлаб ички иннавацион инкубатор амалиётдан фойдаланилади, негаки

уларда рақамлаштириш билан ишлаш учун махсус бўлинмалар ташкил қилинади ва энг яхши самара берган дастлабки лойиҳаларни янада қўллаб қувватлаш ва такоминлаштириш жараёнларини амалга оширадилар.

Рақамли трансформация бўйича бир нечта етук иқтисодчи олимлар ўз таърифларини бериб ўтганлар. Жумладан, хорижлик иқтисодчилар В.Асаулнинг [2021] фикрича, рақамли трансформация жараёни мавжуд бизнес моделларини ривожлантириш ҳамда ушбу жараёни такомиллаштириш, шунингдек, иш самарадорлигини янада ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни англатишини такидлаб ўтган. Ушбу жараёнлар инновацион технологияларни доимий жорий қилишни ўз ичига қамраб олади, ҳамда бутун иқтисодиётни тўлиқ рақамли ўзгартиришга олиб келади.

Россиялик иқтисодчи олим Вадим Аркадьевич Кощеев [2018] фикрларига кўра, молиявий секторни ривожлантириш нуқтаи назаридан рақамли трансформация янги иш муҳитини шакллантирувчи бизнесни юритишнинг амалий усулларини такомиллаштириш сифатида ўрганилади деб ҳисоблайди.

Таниқли Ўзбекистонлик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор. Н.Х.Жумаев «Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар рағнақ топишини таъкидлаб ўтган.

Тадқиқот методологияси:

Биз юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда банк соҳасида янги рақамли трансформацияни ривожлантириш мижозларни хоҳиш ва эҳтиёжларини тўлақонли синчковлик билан ўрганиб ва ўзимизни ички имкониятлармизни таҳлил қилиш орқали, мижозларга тақдим этиш учун янги инновацион стратегияни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2021 йилдаги ПФ-6269-сонли фармонида юртимиздаги фуқаролар ҳамда тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини босқичма-босқич тадбиқ қилиш ва аҳолига қулай инвестициявий ва қулай муҳитини яратиш, бюрократик тўсиқни олиб ташлаш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш борасида тизимли чора-тадбирлар фаол амалга ошириб келинмоқда. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Давлат персоналлаштириш маркази, Энергетика вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кадастр агентлиги, «O'ZSUVA'MINOT» АЖ ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 декабргача


коммунал туловлар тизимидаги барча рақамлар (газ, электр, иссиқ сув, ичимлик суви, канализация, чиқинди) жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамига ва юридик шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақамига боғланишини таъминлашни ҳамда бу орқали ҳар бир шахсга «ягона миждоз» тамойили асосида уникал рақамдан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйилиши такидлаб ўтилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси:

Шунга кўра агарда банк тизимини «ягона миждоз» тизимига жисмоний ва юридик шахсларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари боғланишини ташкил этилса жисмоний ва юридик шахсларга барча белгиланган давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн режимда тўлов амалга ошириш имконияти пайдо бўлади, бундан ташқари масофадан кредит маҳсулотларини реализация қилиш, омонатлар ва ҳисоб рақамларни бошқара олишни ўз ичига олган, бошқа турдаги онлайн хизмат турларидан фойдалана олиши натижасида тижорат банкларининг рақамли трансформацияси хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини янада ривожлантириш; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолининг электрон иштироки даражасини ошириш натижасида қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомиллар ва операцион жараёнлар рақамлаштиришига олиб келади. Шунингдек алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Рақамли Ўзбекистон-2030» дастури концепциясини

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларида белгилаб ўтилган устувор вазифаларни ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши натижасида давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ҳамда ахборот экотизимини янада ривожлантириш имкониятини яратиб беради. Қолаверса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаб беради, бундан ташқари аҳолининг электрон иштироки даражасидан кенг фойдаланиш жараёнини янада оширишга хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, иқтисодиётда ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида илғор соҳаларида тижорат банкларининг рақамли трансформацияси хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш фаол жорий этишга, коррупцияга қарши самарали курашишга ёрдам беради. Дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлил натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 20-30 фоизга ўстириш ҳамда коррупция жараёнларини кескин пасайтириш имконини яратади. Барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, банк хизматлари янги IT технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи кескин пасайишига олиб келади.

Республикаимиздаги тижорат банкларида янги банк маҳсулотларини жорий қилиниши натижасида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар таркибида ўзгаришларга назар ташласак. 1-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлари орқали амалга оширишда фойдаланувчиларнинг сони 2015 йилда 534,8 ташкил этган бўлса 2021 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич 14571,1 ни ташкил қилди яъни 27,1 баробарга ўсганини кузатсак бўлади, (2021 йил якуни ҳолатига) [1расм].



1-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони динамикаси (миң донада)[5].

Иқтисодий интеграция ва глобаллашув шароитида ҳўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларида электрон тўловлар, электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш улар ўртасидаги ўзаро соғлом рақобатни мустаҳкамлаш билан бир қаторда юқори иқтисодий натижаларга эришиш омили ҳам ҳисобланади. Хизматлар таннархи

эса 50 фоиздан 65 фоизгача арзонлашди. 109 «СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг» ва бошқа мобил иловалар орқали коммунал тўловларни амалга оширганда, миждоз омонат ҳисобварағига маблағларни нақд ва нақдсиз қирим қилиш бу каби банк хизматларини оммалаштиришга эътибор қаратилганидан далолат бермоқда.

Хулоса ва таклифлар:

Юқорида ёритиб ўтилган мавзу юзасидан шуни хулоса қиламизки, ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан онлайн-банкнинг технологияларини, жумладан, мобил банкнинг хизматларини реал вақт режимида кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, барча банкларнинг карталарини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жисмоний шахслар учун мобил тўлов дастурларини яратиш ва жорий қилиш бўйича режа-графикларни ишлаб чиқилди. Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш борасида мобил тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби технологиялар асосида контакtsiz тўловларни ўтказиш ва қабул қилиш имкониятини яратилди. Бу имкониятлардан бозорларда, сайёр ярмарка ва айниқса, транспортда фойдаланилиш аҳоли учун қулай бўлади. Таъкидлаш жоизки, мобил тизимларнинг давлат хизматлар маркази билан узвий боғлаш натижасида функционал имкониятларини янада кенгайтиришга олиб келади ҳамда ўз навбатида, фойдаланувчиларни идентификация қилиш тизимларини ривожлантириш натижасида банк филиалларида бажариладиган амалиёларга сарифланадиган вақт бирлиги кескин камайди ҳамда кам даромадли операциялар салмоғини камайтириш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Замонавий муаммолар ва молиявий бозорлар ва банкларни ривожлантириш истиқболлари” Китоб муаллифлари: Ловрушин О.И, Александрова.Л.С, Авис.О.У. Нашриётчи Кнорус 2021 йил Москва <https://www.ru/books/648532/>
2. “Банк иши” Китоб муаллифи Жуков. Е.Ф. Москва “Юрайт нашриёти” 2012 йил / /SBN 978-5-9916-1978-3/
3. А.А.Энговатова, Т.В.Поспелова Цифровая экономика: рекламный лозунг или реальность? Трансформация бизнес-моделей в условиях цифровой экономики, серия Сборник материалов научно-практической конференции «Неделя инноваций» 12-18 декабря 2017г.
4. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil 2/2021 (№ 00052) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони. 12.05.2020. <https://lex.uz/docs/4811025>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778). 1-4-б.
7. Ablyazov T., Asaul V. On competitive potential of organization under conditions of new industrial base formation // SHS Web of Conferences. 2018. Vol. 44. 00003.
8. Кошечев В.А., Цветков Ю.А. Цифровая трансформация банковского сектора. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-bankovskogo-sektora.2>